

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ёшлар ишлари агентлиги
директорининг биринчи

ўринбосари – харид комиссияси раиси

Ж.Ходжаев



Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг ишбилармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лойиҳасини амалга ошириш хизматини кўрсатиш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ХУЖЖАТИ**

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН МАЪЛУМОТ

1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети.

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси (бундан буён матнда харид комиссия деб юритилади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Вазирлар Маҳкамасининг “Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 22 февралдаги 135-сон ва “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 20 майдаги 276-сон карорларига асосан амалга оширади.

Энг яхши таклифларни танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўргасида китобхонликни оммалаштириш, ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг ишбилармонлиги ва ташаббусларини кўллаб-кувватлаш лойиҳасини амалга ошириш хизматини кўрсатиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш кўзда тутилган.

Хизмат (иш)ларнинг максимал нархи: ҚҚС билан **900 000 000 (Тўққиз юз миллион) сўм.**

Хизмат (иш)ларни энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг техник қисмида жойлашган талабларига биноан бажариш шарт.

Хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати: **2022 йил 15 декабргача.**

2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар.

Хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати: **50 кун.**

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари (кейинги ўринларда матнда – Танлаш ҳужжатлари) талаблари асосида ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги;

Манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Навоий 11а

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Ишлар бошқармаси бошлиги И.Зиёдиллоев;

Тел.: (90) 514-47-74

3. Харид комиссиясининг вазифалари:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танлашни ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлаши натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қиласди;

зарур бўлганда баҳолаш гурухини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

харид қилиш тартиб-таомилларини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки танлашни амалга ошмаган деб топади.

Танлашнинг ташкилотчиси – Ишчи гурух. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

Танлаш ҳужжатларини ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.etender.uzex.uz порталида эълон беради;

- танлаш таклифларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда харид комиссиясининг вазифалари:

- иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий хужжатларини, таклифларни сифат ва нарх нуқтаи назаридан ўрганади, таҳлил қиласи ва кўриб чиқади;

- танлаш асосида энг яхши сифат ва нарх таклифини аниқлади ва қарор қабул қиласи.

Иштирокчи – энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари талабларида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат танлаш хужжатлари талабларига мувофиқ битта таклифни тақдим этиш хукуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартериш хукуқига эга.

5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган талаблари

5.1. Иштирокчи таклифда қатнашиш учун e-tender.uzex.uz сайтида жойлаштирилган эълон белгиланган тартибда электрон шаклда таклиф бериш орқали иштирок этади.

Иштирокчи ташаббуси билан бошқа хужжатлар (сертификатлар, ўтказилган текширишлар бўйича маълумотлар ва шу кабилар) ҳам тақдим қилиниши мумкин.

5.2. Танлашга қўйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техниковий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний хукуқقا эга бўлмаган;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлган;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд бўлган;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган.

5.3. Харид комиссияси иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;

унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида Агентлик томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиши мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатга қарши харакатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган холда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқланса.

Харид комиссиясининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисоботга киритилади.

6. Танлаш доирасида хужжатларнинг маҳфилигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-коидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Харид комиссияси

аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БҮЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

7. Танлашда иштирок этиш учун таклифини бериш тартиби

7.1. Танлаш ўтказилғанда иштирокчилар танлаш бүйича электрон таклифларни ўзларининг шахсий кабинетлари орқали эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктиримай тақдим этадилар.

7.2. Иштирокчининг танлаш таклифининг ажralmas қисми бўлган электрон хужжатлар оператор томонидан белгиланган намунавий шакллар асосида тақдим этилади. Давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилган танлаш таклифи иштирокчи томонидан тасдиқланади.

7.3. Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа хужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари мазкур энг яхши таклифларни танлаш бүйича харид қилиш хужжатининг иловасидаги шаклга мувофиқ хужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчининг танлаш таклифидаги маълумотлар бириктирилган хужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

7.4. Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар иштирокчилар, шунингдек, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

7.5. Танлаш иштирокчиси битта лотга фақат битта танлаш таклифини беришга ҳақли.

7.6. Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот (маълумот) ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

7.7. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган танлаш таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлаш таклифини чақириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

7.8. Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда давлат харидларининг электрон тизими танлаш таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

Танлаш иштирокчиси танлаш бүйича харид қилиш хужжатларидағи талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли.

Давлат буюртмачиси сўров тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидаги ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт. Танлаш бүйича харид қилиш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш таклифларининг таъминланиши зарурлиги белгилаган тақдирда, иштирокчи танлаш таклифлари юборилгунига қадар таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўровга бир иш куни ичидаги жавоб беради.

III. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БҮЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

8. Танлашда қатнашиш ҳаражатлари

8.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш хужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

8.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта – сўмда тўланиши лозим.

8.4. Хизмат (иш) нархи таклифга барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

8.5. Иштирокчи томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган ишлар бўйича

нархлар хизматларни кўрсатиш мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгарилилмайди (харид комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгаришилар киритилиши мумкин).

8.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгарилиладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва харид комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

9. Танлашда қўлланиладиган тил

9.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланади.

10. Муқобил таклифлари

10.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

11. Танлаш натижаларини сархисоб қилиш

11.1. Танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

11.2. Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидағи тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

11.3. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархни бошлангич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошлангич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

11.4. Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланади.

Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

IV. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

12. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

12.1. Танлаш ғолибини аниқлаш учун танлаш таклифларини баҳолаш танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади.

12.2. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

12.3. Танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

12.4. Танлаш таклифининг микдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

12.5. Микдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

12.6. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлади.

Танлаш таклифларини баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захирадаги ғолибни аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.7. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзоланади.

12.8. Дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади.

12.9. Танлашнинг исталган иштирокчиси дастлабки электрон баённома эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш ўтказиш натижалари бўйича давлат харидларининг электрон тизими орқали эътиrozлар юборишга ҳақли.

12.10. Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва давлат буюртмачиси билан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

12.11. Танлаш ўтказиш натижалари бўйича танлаш иштирокчиларидан эътиrozлар тушганда, харид комиссияси эътиrozларни икки иш куни ичida кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

12.12. Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилади.

12.13. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

13. Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш

13.1. Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари:

T/p	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Ишларни ўз вақтида бажариш учун раҳбар томонидан имзоланган Кафолат хати	максимал 10 балл	Техник талабларга мувофиқ келишига қараб баҳоланади
2.	Молиявий барқарорлиги	максимал 10 балл	Иштирокчи томонидан илова қилинган молиявий барқарорлик кўрсаткичларига асосан баҳоланди
3.	Тақдим қилинган ишнинг самарадорлиги, кутилаётган натижаларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари юқорилиги.	максимал 10 балл	Баллар иштирокчилар тақдим этган таклифлардан келиб чиқиб шаклланади
4.	Лойиҳанинг аниқ ва батафсил ёритилганлиги	максимал 10 балл	Баллар иштирокчилар тақдим этган таклифлардан келиб чиқиб шаклланади
5.	Умумий иш тажрибаси (мазкур йўналишларда ёшлиар саводхонлиги, китобхонликни оммалаштириш, ёшларнинг ўз соҳасида мувваффақиятга эришишларига кўмаклашиш,	максимал 10 балл	Танлашда эълон қилинган иш (хизмат) бўйича аввал бажарилган ишлар рўйхати (контргент номи, шартнома санаси, шартнома суммаси кўрсатилган жадвал илова қилиниши керак)

	уларнинг ишбилиармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-куватлаш ва х.к) аналог хизматлар кўрсатиш тажрибаси).		
6.	Хизмат кўрсатиш учун моддий техник базаси даражаси етарли бўлишилиги.	келади (10 балл) /келмайди (0 балл)	Танловда кўрсатилган иш (хизмат)ни бажариш учун зарур бўлган моддий-техника базаси рўйхати илова қилиниши, ташкилотни сақлаш учун З ойлик сметаси ҳамда сметада кўрсатилган маблағлари мавжудлиги тўғрисида маълумотнома
7.	Танлаш иштирокчисининг ташкилий фаолияти қонунчилик хужжатларига ҳамда танлаш мақсадларига мувофиқлиги	максимал 10 балл	Баллар қатнашчилар тақдим этган ташкилий хужжатлардан (Устав, гувохнома) келиб чиқиб шакланади
Жами максимал балл		70 балл	

13.2. Минимал ўтиш балли **40 балл** деб белгиланади.

13.3. Танлаш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчisi ғолиб деб топилади.

13.4. Танлашда ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

13.5. Танлаш иштирокчisi томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартибтаомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлашиб ҳақли.

13.6. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси танлаш иштирокчisidan унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

13.7. Иштирокчilarнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиги тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

14. Таклифларнинг мос келмаслиги

14.1. Танлаш хужжатларини текшириш чоғида аниқланган хатолар мавжуд бўлган тақдирда харид комиссияси:

иштирокчiga танлаш таклиfiga тузатиш киритиш имкониятини бериши;
таклифларни баҳолашда, иш (хизмат) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, иш (хизмат) нархи устунлик қиласидан, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин.

Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қиласи.

14.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи харид комиссиясининг қарори билан четлашибтирилади.

14.3. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи хуқуки бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

14.4. Танлаш қуидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:
танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса;
барча танлаш таклифлари танлаш хужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;
барча танлаш таклифларида танлаш хужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган хужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчilarнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса;

танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинмаган бўлса.

14.5. Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

V. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

15. Шартномани расмийлаштириш ва тузиш

15.1. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вактдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

15.2. Танлашни ўтказиш натижаларига кўра шартнома электрон шаклда тузилади ҳамда шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

15.3. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хукуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан тақлиф этилган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

15.4. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

15.5. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

VI. БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

16. Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

16.1. Танлаш иштирокчиси талаб қилинган хизмат(иш)лар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди.

16.2. Хизмат (иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлаш, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар кўшилиши лозим.

16.3. Иштирокчи томонидан кўрсатиладиган хизматнинг (иш бажаришнинг) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

16.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони қўтаришга йўналтирилган танлаш таклифлари танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

17. Танлаш валютаси

17.1. Танлаш таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

18. Хизматларни кўрсатиш (ишларни бажариш) шартлари ва муддати

18.1. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади.

19. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30 %, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

Давлат ижтимоий буюртмаси асосида энг
яхши таклифларни танлаш бўйича харид
қилиш хужжатига
илова

НИНГ

(ташкilot номи)

АРИЗА (ТАЛАБНОМА)СИ

1. ЛОЙИХАНИНГ ТИТУЛ ВАРАГИ	
1.1. Ариза юборилаётган танловнинг мавзуси	
1.2. Танловнинг йўналиши	
1.3. Лойиҳанинг номи	
1.4. Ариза тақдим этган ташкилотнинг номи (<i>Давлат рўйхатидан ўtkазилган Низомга мувофиқ</i>)	
1.5. Давлат рўйхатидан ўтказилган сана (кун, ой, йил) ва гувоҳнома рақами	
1.6. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилган ташкилий-хуқуқий шакли	
1.7. Фаолият худуди (<i>Давлат рўйхатидан ўтказилган Низомга мувофиқ</i>)	
1.8. Таалабгор ташкилотнинг реквизитлари (<i>юридик ва почта манзили, телефон, факс, веб-сайт, электрон манзили ва бошқалар</i>)	
1.9. Ташкилот раҳбарининг Ф.И.Ш. ва алоқа боғланиш маълумотлари (<i>манзили, электрон почта (э-майл) манзили, телефон коди албатта кўрсатилиши лозим</i>)	
1.10. Ташкилот бухгалтерининг Ф.И.Ш. ва алоқа боғланиш маълумотлари (<i>манзили, электрон почта (e-mail) манзили, телефон коди албатта кўрсатилиши лозим</i>)	
1.11. Ташкилотнинг тасдиқланган штат жадвалидаги ходимлар сони	
1.12. Лойиҳани амалга ошириш муддати (<i>бошланиши санаси – тугаш санаси</i>)	
1.13. Сўралаётган маблағ микдори (<i>сўмда</i>)	
1.14. Жалб қилинадиган маблағларнинг микдори (<i>сўмда</i>)	
1.15. Лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган ходимлар сони	

2. ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ БЮДЖЕТИ (ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ)

(шу жумладан, мавжуд қўшимча молиялаштириши манбалари (*сўмда, қисқартирмаган ҳолда*))

T/р	Харажатлар номи	Микдори	Нархи (1 дона)	Жами суммаси	Ўз (хамкорлар)	
-----	-----------------	---------	-------------------	-----------------	-------------------	--

					маблағлари хисобидан	
I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган (консультатив ҳизмат ва ҳоказо) харажатлар						
1.1						
Жами:						
II. Тадбирлар ўтказиш учун харажатлар						
2.1						
Жами:						
III. Моддий-техник базани (ускуна, техника, обект ва ҳкз.) мустаҳкамлаш учун харажатлар						
3.1						
Жами:						
IV. Ўқув-услубий, промо материалларини ҳарид қилиш, реклама учун харажатлар						
4.1						
Жами:						
V. Бошқа (хизмат сафари, алоқа, банк ва ҳкз.) харажатлар						
5.1						
Жами:						
ЖАМИ (И+ИИ+ИИИ+ИВ+В)						

3. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР <i>(ташкилот ҳақида қўшимча маълумот)</i>	
1.	Давлат солиқ инспекциясининг аризачининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида маълумоти (<i>маълумотнома нусхасини илова қилинади</i>)
2.	Ўрта ва йирик давлат грантлари бўйича ҳисоб рақамидаги охирги 1 йиллик пул айланмалари ҳақида маълумот (<i>маълумотнома нусхасини илова қилинади</i>)
3.	Агар давлат ижтимоий буюртмаси доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун махсус рухсатнома талаб этилса, лицензия нусхаси илова қилинади.
4.	Ташкилот ОАВ (<i>оммавий ахборот воситаси</i>) сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини илова қилинади.
5.	Банк реквизитлари (<i>ҳисоб рақами, МФО, ИНН, ОКОНХ, банк номи, банк манзили ва телефон рақами</i>)
6.	Амалга оширилган лойиҳалар (<i>табобгор ташкилот муқаддам танловларда ғолиб бўлиб, қўлга киритган давлат иқтисодий кўмаги сони ва номи кўрсатилади</i>)
4. ЎЗИНИ-ЎЗИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ЎЗИГА-ЎЗИ БАҲО БЕРИШ <i>(ўзини-ўзи аудит қилиши)</i>	

1.	Лойиҳа қайта топширилаётган бўлса, нима сабабдан қайта топширилаётгани ҳакида асосли маълумот	
2.	Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг сифат назорат режаси, самарадорлигини баҳолаш режаси,	
3.	Лойиҳа доирасида харажатларнинг асослилиги ва нархларнинг реаллигини тасдиқловчи қўшимча маълумотлар (<i>шартнома, инвойс, бошқа ташкилотларнинг тижорат таклифлари</i>)	

5. ЛОЙИҲАНИНГ ЯКУНИЙ ҚИСМИ

Танлов низоми билан танишдим, аризадаги барча маълумотлар тўғрилигига кафолат бераман:

Ташкилотнинг тўлиқ номи ва
лавозим номи

Имзо, ташкилот мухри

Ариза берган ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.

Сана

IX.БОБ. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг ишбилармонлиги ва ташабbusларини қўллаб-кувватлаш лойиҳасини амалга ошириш бўйича
—сонли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

2022 йил “___” сентябрь

Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юриталади) номидан Низом асосида иш юритувчи, ижро этувчи директори А.Саъдуллаев бир томондан ва _____ (куйида матнда “Ижрочи” деб юритилади) номидан Устав асосида иш юритувчи, директори _____ иккинчи томондан, Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг ишбилармонлиги ва ташабbusларини қўллаб-кувватлаш лойиҳасини амалга ошириш (кейинги ўринларда – Лойиҳа деб юритилади) ишлари бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

1. Шартнома предмети

1.1. “Ижрочи” мазкур шартноманинг 1-иловасида қўрсатилган лойиҳалар рўйхатига мувофиқ хизматларни қўрсатиш (ишларни бажариш) мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” эса хизматларни қабул қилиб олиш ва бажарилган ишлар ҳамда қўрсатилган ҳизмат турлари учун тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг умумий қиймати (*Танлов комиссиясининг 2022 йил _____ даги -сон баённомасига асоссан*) _____ (_____ миллион) сўмни ташкил этади.

2. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

2.1. “Буюртмачи” “Ижрочи”га:

шартнома бўйича лойиҳа қийматининг 30 фоизи _____ (_____ миллион) сўм микдорида маблағни олдиндан ўтказиб беради;

шартноманинг 1-иловаси бўйича ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг лойиҳа қийматининг қолган 70 фоизи _____ (_____ миллион) сўмни 10 (үн) иш кун ичидага амалга оширади.

2.2. Тўлов “Буюртмачи” томонидан давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ишларни бажариш муддати

3.1. “Ижрочи” ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича “Коучинг” видео материалларни тайёрлаш ишларини бажариш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб мазкур шартноманинг 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

4. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

4.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

4.2. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. “Ижрочи”нинг ҳуқуклари:

5.1.1. Шартнома хақини тўлашни талаб қилиш.

5.1.2. Шартларига тўлиқ риоя этишни талаб қилиш.

5.1.3. Лойиҳага оид таклифлар бериш ва “Буюртмачи”дан якуний қарорларни талаб қилиш.

5.1.4. Барча иш ва хизматлар доирасида юзага келадиган мажбуриятларни ўз кучи ва/ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, аутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилган ҳолда амалга ошириш.

5.2. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

5.2.1. Ижрочи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради.

5.2.2. Мазкур шартноманинг 1-иловада кўзда тутилган иш ҳажмларини ўз вақтида тўлиқ ва сифатли қилиб бажариши ҳамда бажарилган ишларни ҳисоб-фактурасида кўрсатиши лозим.

5.2.3. Шартнома тасдиқланган иловага мувофиқ видео материалларни белгиланган вақтда тўлиқ ва сифатли топширади.

5.2.4. Барча ишларни мазкур шартномада ва унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўз кучи ва/ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилиб белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

5.2.5. “Буюртмачи”нинг талабига мувофиқ бажарилган ишлар юзасидан ҳисоб-фактурасини “Буюртмачи”га тақдим қиласди.

5.2.6. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни барчасини бажаришни ўз зиммасига олади.

5.2.7. Ижрочи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ва/ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилган ҳолда бажарилиши юзасидан “Буюртмачи” олдида мулкий жавобгар ҳисобланади.

5.2.8. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

5.2.9. Ижрочи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча ҳажмини ўз кучи ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилган ҳолда бажаради.

5.3. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

5.3.1. Ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

5.3.2. Шартнома шартларига тўлиқ риоя этишини талаб қилиш;

5.3.3. Шартномада кўрсатилган муддатда лойиҳани топширишини талаб қилиш.

5.4. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

5.4.1. Шартномада белгиланган микдорда ва муддатда шартноманинг 1-иловасида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун “Ижрочи”га ҳақ тўлаш;

5.4.2. Лойиҳадаги хато камчиликларни улар вужудга келган пайтдан ўн кун ичida “Ижрочи”га ёзма равишда маълум қилиш;

6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.2. Агар ишларни бажариш жараённида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналлишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишилари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган мажбуриятлар юклатилади.

6.3. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.4. Бажарилган ишлар (босқичлар)да асосли камчилик ва нуқсонлар аниқланганда “Ижрочи” уларни беғараз бартараф этади.

7. Лойиха бўйича муаллифлик ҳукуқлари

7.1. Мазкур шартнома бўйича иш жараёнида ҳосил бўлган лойиханинг муаллифлик ҳукуқи ва ҳукуқий муҳофазаси билан боғлиқ барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

7.2. “Ижрочи”нинг хизмат кўрсатиш белгиси мижознинг веб-сайтида жойлаштирилади.

7.3. Лойиха “Буюртмачи”га сотиш ва лойихани кўпайтириш ҳукуқи билан топширилади.

8. Тарафларнинг жавобгарлиги

8.1. “Буюртмачи” лойихани қабул қилиб олган кундан бошлаб 10 (ўн) календар куни мобайнида лойиҳадаги семантик, орфографик ва грамматик хатоларни, носоз гиперҳаволалар, юкланмаётган расмлар ва бошқа хатоликлар мавжудлигини текшириб чиқиши ва камчилик ёки хатолик топилган тақдирда “Ижрочи”га хабар бериши лозим.

8.2. “Ижрочи” лойиҳадаги аниқланган хатоликларни ўз ҳисобидан 10 (ўн) иш куни мобайнида бартараф этиши шарт.

8.3. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, “Буюртмачи” томонидан берилган маблағни ўз вақтида молиялаштиrmаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.4. “Ижрочи” лойиҳани ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

8.5. “Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Пеня тўлаш “Ижрочи”ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

8.6. Агар бажарилган ишлар ушбу шартномианинг 1-иловасига мувофиқ бўлмаса, “Буюртмачи” “Ижрочи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳукуқига эга.

8.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.8. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор)

9.1. Агар томонлар мажбуриятни қисман ёки тўла ижро этмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

9.3. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиласидилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10. Низоларни ҳал этиш тартиби

10.1. Шартнома тузиш, ижро этиш, ўзгаришиш ва бекор қилиш, шунингдек, келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган баҳслар ўзаро мухокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда бегиланганд тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

11. Коррупцияга қарши шарт

11.1. Томонлар:

Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартномада бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатсизликларни содир етмайдилар;

Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

11.2. Томонлар ушбу Шартноманинг 11.1-бандидаги талабларни бузиб содир етганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақида иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

12. Шартномани ўзгариши ва унга қўшимчалар киритиши ҳамда бекор қилиш тартиби

12.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгаришиш ва қўшимчалар улар ёзма равища расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий хисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шарти билан йўл қўйилади.

12.3. “Ижрочи”нинг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.4. “Ижрочи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, “Буюртмачи” лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, “Ижрочи” шартномани бекор қилишга ҳақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътиroz билдиримаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

13. Шартноманинг алоҳида шартлари

13.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

13.2. “Ижрочи” лойиҳани “Буюртмачи”нинг ёзма руҳсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

13.3. Мазкур шартномага барча ўзгаришиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда

расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

13.4. “Буюртмачи” билан “Ижрочи” ўргасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равища тасдиқлашлари керак.

13.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

13.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“БЮОРТМАЧИ”

“ИЖРОЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Ёшлиар ишлари
агентлиги марказий аппарати
100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11
«Марказий банк» Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси ИФУТ 84111,
МФО 00014, СТИР 207 323 290
ХС 23 402 000 300 100 001 010
Молия вазирлиги ғазначилиги
амалиёт бошқармаси
Ғазна ХС 23 402 000 300 100 001 010
“Марказий банк” Тошкент ш. Бошқармаси
МФО 00014
СТИР 201122919

Директор _____ А.З.Саъдуллаев

Директор _____

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ёшлар ишлари агентлигининг
2022 йил _____ даги
№ ____ -сонли шартномага
1-илова

А.З.Саъдуллаев _____
(имзо)

“КЕЛИШИЛДИ”

Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш,
ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг
ишбилиармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида амалга
ошириладиган хизматлар

РЎЙХАТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ёшлар ишлари агентлигининг
2022 йил _____ даги
№ ____ -сонли шартномага
2-илова

А.З.Саъдуллаев _____
(имзо)

“КЕЛИШИЛДИ”

Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш,
ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг
ишбилиармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида амалга
ошириладиган хизматлар

РЕЖА-ГРАФИГИ

№	Йўналишлар						
1							
2							
3							
...							